


www.ziyouz.uz портали тақдим этади:

Хафта ҳикояси

Франц Кафка

ЖАЗО КОЛОНИЯСИДА



— Бу антиқа аппарат, — деди офицер сайёх-олимга ва аппарат ўзига яхши таниш бўлса ҳам, уни суқ билан кўздан кечирди.

Аслида, бошлигини ҳақоратлагани ва итоатсизлиги учун хукм этилган бир аскарни жазолаш жараёнида қатнашишга сайёх-олимни комендант таклиф қилганди. Бу таклифга сайёҳ фақат одоб юзасидангина рози бўлди. Жазо маросими наинки сайёҳда ҳатто колониянинг ўзида ҳам унчалик қизиқиш уйғотмади. Тақир тепаликлар билан ўралган бу мўъжаз, қумлок водийда сайёҳ ва офицердан ташқари яна икки киши бор эди. Биринчиси — жиноятчи аскар — соchlари тўзғиган, соқоли олинмаган ва оғзи катта, телбанамо йигит, иккинчиси — соқчи аскар. У қўлидаги оғир занжирни қўйиб юбормас, чунки занжир яна иккита кичик занжирга уланиб, улар жиноятчининг бўйин ва тўпиқларига боғланган, ўртасидан эса бирлаштирилган эди. Лекин жиноятчи аскар

киёфасида шундай бир итоаткорлик мухрланган эдики, уни бемалол тепаликлар томон сайдын жүннатиб, хукм ижроси олдидан хуштак чалсанг, ўзи дарров ҳозир бўладигандай эди.

Жазо аппарати қизиқтиргани учун сайдын зерикиб, жиноятчининг орқасида нари-бери юриб турарди. Офицер бўлса, гоҳ чукурга тушиб аппаратнинг тагига кирад, мурватларини бураб яна трапга чиқар ва машинанинг устки қисмларини текширади. Сирасини айтганда, бу майда-чуйда ишларни бирор механик қилса ҳам бўларди, лекин ҳаммасини офицернинг ўзи бажарап, гўё бу ишни бугун ҳеч кимга ишониш мумкин эмасу аппаратнинг содик мухлиси фақат офицернинг ўзи эди гўё.

— Мана, ҳаммаси тайёр! — дея у хитоб қилиб трапдан тушди. Офицер ниҳоятда чарчаган, оғзини катта очиб нафас олар, мундири ёқасидан иккита нафис рўмолчанинг четлари чиқиб турар эди.

— Бу мундирлар тропикда оғирлик қиласи, — деди сайдын аппарат хақида сўраш ўрнига (офицер шуни кутган эди).

— Тўғри, — деди офицер ва мойга белангани қўлларини аввалдан тайёрлаб қўйилган сув тўла товоқقا тиқди, — лекин бу — ватанимизда, ватани эса йўқотишни истамаймиз. Яхшиси, манави аппаратга қаранг, — дея давом этди у қўлини сочиқقا артаётуб, — шу кунгача қўл меҳнати керак эди, аммо энди ҳаммасини машинанинг ўзи бажаради. Сайдын бош иргаб қўйиб, офицер кўрсатган томонга қаради. Офицер ҳар эҳтимолга қарши қўшиб қўйди:

— Тўғри, баъзан аппарат бузилиб ҳам қолиши мумкин. Аммо бугун, умид қиласанки, бирор ишқал чиқмас. Шунга қарамай бузилиши эҳтимолини ҳисобга олиб қўйиш керак. Чунки аппарат танаффусиз ўн икки соат ишлайди, лекин бузилгудай бўлса ҳам, уни бир зумда созлаш мумкин. Ўтирмайсизми? — деди у ниҳоят ва уюлиб ётган тўқима креслолардан бирини олиб ерга қўйди: сайдын илтифотни рад этолмади. У аппарат жойлашган ҳандақ четида ўтириб кузатди: ҳандақ унча чукур эмас эди. Тупроқ кўчиб унинг бир чеккаси кўмилган, бир чеккасида аппарат турар эди.

— Бу аппаратнинг тузилиши хақида комендант сизга изоҳ бердими-йўқми, билмайман, — деди офицер сайдынга юзланиб.

Сайдын қўли билан мужмал бир ҳаракат қиласи. Офицерга шунинг ўзи кифоя эди; у тушунтиришни бошлаб юборди:

— Бу аппарат, — деди шатунга қўлини теккизиб, — мархум

комендантизниң ихтироси. Иншоотиинг яралышыда мен у билан бирга ишлаганман. Дастьлабки ташаббусдан тортиб, сүнгти ишларигача қатнашганман. Сиз собық комендантиз тұғрисида әшитгандирсиз? «Йұқ»? Ҳеч муболағасиз шуны айтиш мүмкінки, бутун колониянинг ички тузилишига ўша одам асос солған. Биз — дүстлари, у қазо қилған дақықадаёқ бир нарсаны англадық: колониянинг тузилиши шу қадар мукаммал әдікі, мархұмнинг үрніга тайинланған одам бошида минг хил янги режа бўлса ҳам, мархұм үрнатған эски тартибни узоқ йиллар ўзгартира олмасди. Башоратимиз тұғриям чиқди — янги комендант буни тан олди. Сиз аввалги комендантни билмас экансиз-да, афсус!.. Мен ортиқча гапириб юбордым, шекилли?.. Мана, аппаратимиз — қаршингизда! Күриб турибсизки, у уч қисмдан иборат. Бора-бора улар оддийгина қилиб, яъни пастки қисми — «ётоқ», тепа қисми «хисобчи», ўрта қисми — «мола» деб аталадиган бўлди.

— Мола? — деб сўради сайёҳ. У офицернинг сўзларини эътиборсиз тинглаган эди. Соя ташлайдиган бирор дарахти йўқ водий узра офтоб ловиллар, иссиқда диққатни бир жойга тўплаш қийин эди. Офицер бўлса, байрам либосида, эполетларига зарбоф чилвир тақилған тор мундир кийиб эринмай тушунтирас, бу ҳам етмагандай, қўлидаги очқич билан гоҳ у мурватни, гоҳ бунисини тортиб, сайёҳни ҳайратга солар эди. Чамаси, соқчи аскар ҳам сайёҳдан баттар ахволда эди. У занжирни қўлига боғлаб, иккинчи қўли билан милтиққа суюнганча, бошини қуи солиб, лоқайд турарди. Унинг лоқайдлиги сайёҳни тааажублантирмади, чунки офицер француз тилида гапирава бу тилни на соқчи, на жиноятчи тушунар эди. Лекин жиноятчи аскарнинг офицер айтаётган гапларни англашга тиришгани қизик эди. У ланж бир қайсарлик билан сайёҳга офицер нимани кўрсатса, ўшанга қаради. Сайёҳ офицернинг гапини бўлиб, «мола» ҳақида сураганида, жиноятчи ҳам офицерга қўшилиб сайёҳга қаради:

—Ха, «мола», — деди офицер, — бу ном жуда мос келади. Униям тишлари бор, худди молага ўхшаб кетади. Лекин жиндак фарқ ҳам қиласди. Ҳозир ўзингиз кўрасиз. Мана — «ётоқ», жиноятчи шу ерга ётқизилади... Йўқ, сизга аввал аппаратнинг тузилишини кўрсатай, кейин ишни бошлаймиз. Буни билиб қўйсангиз, иш жараёнини дарров англаб оласиз. Аппарат ишләётганида тушунтириш жуда қийин, чунки «хисобчи»нинг бир ғилдираги ейилган, у қаттиқ ғижирлаб, гапни әшитишига халал беради. Афсуски, эҳтиёт қисмларни топиш ниҳоятда

мушкул... Шундай қилиб, мана бу «ётоқ»... Пахта тўшалган. Моҳиятини ҳозир англайсиз. Жиноятчи бу тўшакка юзтубан ётқизилади. Унинг қўли, оёқлари ва бўйни манави тасмалар билан боғланган бўлади. Жиноятчининг боши «ётоқ»нинг манави жойига тўғри келади ва бу ердан камат тиқин чиқиб, тўғри жиноятчининг оғзига киради. Тиқинни оғизга киргунча жилдиравериш мумкин. Шу тиқин туфайли жиноятчи на додлай олади ва на тилини тишлайди. У, хоҳласа-хоҳламаса, бари бир, тиқинни оғзига олади, акс ҳолда, бўйнидаги тасма унинг умуртқасини синдиради.

— Пахтами бу? — деб сўради сайёҳ.

— Ҳа, ха, албатта, — деди жилмайиб офицер, — ушлаб кўринг, — ушлаб, у сайёхнинг қўлидан тутиб, тўшакни силашга мажбур этди, — алоҳида ишлов берилган, шу боис пахталигини билиш қийин. Унинг вазифасини ҳали сизга айтиб бераман.

Сайёҳ энди аппаратга қизиқа бошлаган эди, у қўлини соябон қилиб пастга қаради. Бу — хатта иншоот эди. «Ётоқ» билан «ҳисобчи» бир хил кенгликда бўлиб, улар иккита қора қутига ўхшарди. Ҳатто ётоқдан икки қулоч тепада жойлашган ва уларни бириктириб турган бир жуфт жез ғўла қуёшда ялтилларди. Шу икки қути ўртасидаги «мола» пўлат симга осилган эди.

Офицер сайёҳдаги аввалги лоқайдлик деярли йўқолганини сезди ва унинг аппаратни шошилмай, бемалол томоша қилишига халал бермаслик учун ҳатто гапдан ҳам тўхтади. Жиноятчи аскар ҳам сайёҳга таассуф қила бошлади: у қўлини кўзига соябон қилолмаганидан, пастга қараётиб, қамашган кўзларини тез-тез юмид очарди.

— Шундай қилиб, жиноятчи ётибди... — деди сайёҳ креслода ўтирган жойида оёғини айқаштириб.

— Ҳе. — деди офицер ва фуражкасини энсасига сурди-да, қизиб кетган юзини силаб қўйди, — энди бу ёғини эшитинг! «Ётоқ» ва «ҳисобчи»да биттадан батарея бор. Биринчи батарея «ётоқ»нинг ўзи учун керак, иккинчиси билан эса «ҳисобчи» ўзини «ҳимоя» қиласди. Жиноятчи боғланган заҳоти «ётоқ» ҳаракатга келиб, бир маромда ва тез-тез — ҳам тиккасига, ҳам ён томонга тебрана бошлайди. Бунақа аппаратларни сиз касалхоналарда кўргансиз, албатта. Аммо бизнинг «ётоқ» уларга нисбатан ниҳоятда пухта ишланган. Унинг ҳар бир тебраниши «мола» ҳаракатига мутаносиб. Чунки ҳукм ижроси — асосан «мола»нинг иши.

— Ҳукм қанақа? — деб сўради сайёҳ.

— Сиз ҳали буни билмайсизми? — деди офицер таажжубланиб, лабларини тишларкан, — менинг изоҳларим узук-юлуқ бўлса, маъзур тутинг, илтимос. Илгари ҳаммасини комендантнинг ўзи тушунтиради, лекин янги коменданнт бу фахрли бурчдан воз кечди. Аммо сиздай азиз меҳмон, — сайёх қўлларини кўтариб бу иззатни рад қилмоқчи эди, аммо офицер ўз «ибора»сини ўзгартмади, — сиздай азиз меҳмонга у ҳатто жазо мазмунини ҳам тушунтирмабди, бу мен учун кутилмаган бир... — Офицер сўкинмоқчи эди-ю, ўзини тутди, — бундан мени ҳеч ким огоҳ этмаган, менинг айбим йўқ. Аммо, жазо хусусиятларини бошқаларга нисбатан ўзим яхшироқ тушунтиришим мумкин, чунки мана бу ерда, — деб кўкрак чўнтагини шаппатилади у, — собиқ коменданнт ўз қўли билан чизган ноёб чизмаларини асрайман.

— Ўз қўли билан? — деб сўради сайёх. — Собиқ коменданнт бир неча вазифани ўтар экан-да, ҳам ҳарбий, ҳам ҳукм чиқарувчи, ҳам... кимёгар экан-да?!

— Худди шундай! — деди офицер бош силкиб. Кейин қўлларини синчиклаб кўздан кечирди: чизмани олай деса бармоқлари унчалик тоза эмасдай қўринди ва сув тўлдирилган товоқ ёнига бориб, қўлларини қайтадан ювди.

— Жазомиз унчалик қўрқинчли эмас. «Мола» жиноятчи танасига у эсдан чиқарган буйруқни битади. Масалан, — дея аскарни кўрсатди у, — мана бунинг баданига: «Бошлиғингни ҳурмат қил», — деб ёзилади. Офицер жиноятчига имо этганда, сайёх ҳам кўз қири билан унга қаради: у бошини қуи солиб, офицернинг жиллақурса бирор сўзини тушуниш учун қулоғини динг қилиб турарди. Лекин унинг дўрдоқ лабларининг қимиirlаши ҳеч нарса тушунмаганидан дарак берарди. Сайёҳ яна қўп нарсани сўрамоқчи эди-ю, жиноятчининг ахволини қўриб, гапини қисқа қилди:

— У қандай жазога ҳукм этилганини биладими?

— Йўқ, — дея офицер изоҳ бермоқчи эди, сайёҳ унинг гапини яна бўлди:

— Ўз устидан чиқарилган ҳукмни ҳам билмайдими?

— Йўқ, — деди офицер ва сайёҳнинг саволига тушунмагандай дудуқланди, — жиноятчига ҳукмни билдиришнинг ҳожати йўқ. Ахир, у ўз баданидаги ёзув орқали айбини билиб олади.

Сайёҳ гапни тўхтатмоқчи эди, бирдан жиноятчининг ўзига қараб турганини сезиб қолди: аскар гўё офицер тушуктирган иш тартиби

сайёхга маъқулми-йўқми — билмоқчи эди. Шуниг учун креслога bemalol ястанишга чоғланган сайёҳ қаддини тиклаб, яна олдинга энгашди:

- Лоақал, аскар ўзининг жазога хукм қилинганини билар?
- Йўқ, буни ҳам билмайди, — деди офицер ва сайёҳдан янада ғалатироқ саволлар кутгандай жилмайб тураверди.
- Қизиқ, — деди сайёҳ манглайнин силаб, — бундан чиқдики, жиноятчи ўзини оқлаш учун ҳаракат ҳам қилмаса керак?
- Унга ўзини ҳимоя қилишга зарурат ҳам йўқ, — деб жавоб берди офицер гўё ўз-ўзига гапираётгандай четга қараб. У сайёҳни кераксиз тафсилотлар билан зериктиришни истамасди.
- Ахир, унда ўзини ҳимоя қилиш имкони бор эдими? — деб сайёҳ креслодан турди.

Офицер асосий иш — аппарат ҳақидаги сухбат узилиб қолишидан чўчиб, сайёҳнинг ёнига борди ва унинг қўлтиғидан олди; бир қўли билан жиноятчини (буни сезган жиноятчи дарров қаддини ростлади, соқчи аскар ҳам занжирни тортиб қўйди) кўрсатиб шундай деди:

— Гап бундай: ёшлигимга қарамай, мен бу ерда — колонияда ҳакам вазифасини бажараман. Зоро,adolat тантана қилишида собиқ комендантга ҳам кўмак берганман ва шунинг учун ҳам бу аппаратни ҳаммадан яхшироқ биламан. Хукм чиқараётib мен: «Гуноҳкорлик — доим муқаррар», деган қоидага амал қиласман. Бошқа ҳакамлар бу қоида бўйича иш тутолмайди, чунки улар олий суд идораларига қарам ва кўпчилик бўлиб иш тутмоққа мажбурдирлар. Бу ерда эса бўлакча. Харҳолда, собиқ комендант даврида шундай эди. Тўғри, янги комендант менинг ишларимга аралашмоқчи бўлиб кўрди, аммо мен ҳозирча унииг ҳужумларини қайтариб келяпман, умид қиласманки, бундан кейин ҳам у менга халал беролмаса керак... Сиз бугунги маросимга сабаб бўлган воқеани билишни истаяпсиз, майли, айтиб берақолай. Қисқаси, бугун эрталаб бир капитан ўз деншчикининг хизмат пайтида ухлаб қолгани ҳақида хабар берди. Деншчик ҳар соатда, занг урилиши биланоқ, капитан эшиги олдида қад ростлаб унинг шарафига қўлни қўтариб қўйиши керак эди. Бу унчалик оғир иш эмас, лекин қоида шундай. Чунки офицерни қўриқлаб, унга хизмат қилаётган соқчи ҳамиша хушёр туриши шарт. Кеча тунда капитан деншчикининг ўз бурчини қандай бажараётганини текширмоқчи бўлиб чиқса, у икки буқилганча ухлаётган эмиш. Капитан хивич билан башарасига

туширибди. Соқчи ўрнидан туриб, кечирим сўраш ўрнига, ўз хўжайинининг бошини ерга қаратиб оёғидан кўтарибди-да, «Хивични ташла, йўқса ўлдираман!» деб уни силкита бошлабди. Мана сизга бўлган воқеа. Бундан бир соат олдин капитан менинг ёнимга келди, мен унинг кўрсатмаларини ёзиб олдиму дарров ҳукм чиқардим. Кейин денщикни кишанлашни буордим. Буларнинг ҳаммаси шунчаки расмана ишлар. Агар, мен денщикни чақириб сўроқ қила бошласам, англашилмовчилик кўпаярди. Денщик нотўғри сўзлар эди, бу ёлғонни рад қилганим заҳоти у яна ёлғон-яшиқ гаплар тўқир эди ва ҳоказо. Лекин ҳозир у менинг қўлимда, мен эса уни қўйиб юбормайман... Энди ҳаммасига тушунгандирсиз?.. Вақт ўтяпти, жазони бошлаш пайти ҳам келди, мен бўлса ҳалигача сизга аппаратнинг қурилишини тушунириб улгурганим йўқ.

Офицер сайёхни яна креслога ўтиришга мажбур қилди ва ўзи аппаратнинг ёнига бориб, гапира бошлади:

— Кўриб турганингиздек, «мола» одам танасининг андомига тўғри келади: мана бу жойи одамнинг гавдаси учун, мана буниси оёқлари учун, бош учун эса мана бу пичноқсимон тиш мўлжалланган. Энди тушунарли бўлгандир-а?

У энг майда тафсилотларни ҳам изоҳлашга тайёрлигини кўрсатиш учун сайёхнинг тепасига келиб меҳрибонлик билан энгашди.

Сайёҳ хўмрайиб «мола»га қаради. Суд ишлари уни қаноатлантирумаган эди. Шунга қарамай, сайёҳ бу ернинг жазо колонияси экани ва қонунларнинг шафқатсиз бўлиши табиийлиги, ҳарбий қоидаларга риоя қилиш зарурлигини ичida ўзига уқтиради. Лекин у янги коменданта умид боғлаб, унинг имиллаб бўлса ҳам, суд ишларини янгилашга ҳарақат қилаётганини ва бу ислоҳни манави тўнка офицер ҳеч қачон тушунмаслигини ўйлади. Шу умид билан сайёҳ савол берди:

— Жазо пайтида комендант ҳам ҳозир бўладими?

— Бу ҳам аниқ эмас, — деди офицер кутилмаган саволдан хафа бўлгандай ва шу заҳоти унинг юзи ўзгарди, худди шунинг учун ҳам биз шошилишимиз керак. Афсуски, изоҳларни қисқартиришга тўғри келади. Лекин эртага аппарат тозаланганидан кейин (бу қурилма тез ифлосланади, асосий камчилиги ҳам шу) мен сизга қолганларини тушунириб беришим мумкин. Ҳозирча, энг зарури устида тўхталаман... Демак, жиноятчи «ётоқ»قا ётгач, у тебрана бошлайди ва «мола» жиноятчининг танасини босади. «Мола»нинг тишлари

автоматик равища танага тегиб-тегмай туради: «мола» созлангандан кейин эса, у осилган сим таранг тортилиб, иш бошланади. Билмаган одам жазо жараёнида бирор қизиқ томоша кўриши гумон. Унга «мола» бир хилда ишлаётгандай туюлади. Аслида, «мола» тез-тез тебраниб, тишларини танага ботиради, тана ҳам «ётоқ» билан бирга шу маромда тебранади. Жазо жараёнини хоҳлаган киши текшириб кўриши учун «мола» шишадан ясалган. Тишларни ўрнатища анча қийинчиликларга дуч келинди, аммо кўп уринишлардан сўнг, уларни маҳкам бириктиришга муваффақ бўлдик. Мехнатни аямадик. Энди танага ёзилаётган ёзув қандай бажарилишини ҳамма кўриши мумкин.

Яқинроқ келинг, тишларни ўзингиз кўринг!

Сайёҳ секин ўрнидан турди-да, аппаратга яқин бориб, энгашди.

— Сиз, — деди офицер, — икки хил жойлашган тишларни кўриб турибсиз, Ҳар бир узун тишнинг ёнида биттадан калта тиш бор. Узун тиш ёзади, калтаси сув чиқариб, қонни ювади ва ёзувнинг равшанлигини таъминлайди. Қонли сув кичик қувурчалардан ўтиб, каттасида тўпланади, кейин хандақقا оқиб тушади.

Офицер сув оқадиган йўналишни қўли билан кўрсатди. У гапи яхши англаниши учун тарновдан гўё ўша сувни олгандай ҳовучларини жипслаштирган эди, сайёҳ бошини кўтариб, қўлинни орқага қилганча, кресло томон тисланди. Бу ҳам етмагандай, у офицернинг «мола»ни кўринг деган таклифига жиноятчи ҳам бўйсунганини кўриб, даҳшатга тушди. Жиноятчи мудроқ соқчини судраб «мола» ёнига келган ва шиша узра энгашганча турарди. У ҳозиргина манави жаноблар томоша қилган нарсани излар, аммо бирор кўрсатмаганидан кейин, ҳеч балога тушунмай, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа энкайиб, «мола» шишаси бўйлаб кўз югуртирар эди. Сайёҳ уни ҳайдамоқчи бўлди, чунки унинг хатти-харакати ғайриқонуний ва жазога лойиқ бўлиши мумкин, деб ўйлади. Лекин офицер сайёҳни тутиб қолди, кейин ердан бир сиқим тупроқ олди-да, соқчига отди. Соқчи сесканиб уйғонди ва жиноятчининг ҳаддидан ошганини кўриб, милтигини қўйди-ю, оёқларини ерга тираганча, қўлидаги занжирни шундай куч билан тортдики, жиноятчи аскар гурсиллаб йиқилди. Кейин пастда занжирларини шалдиратиб типирчилаётган жиноятчига қараб тек қолди.

— Уни турғазиб қўй! — деб бақирди офицер сайёҳнинг диққати жиноятчига алаҳсиб қолаётганини сезгач.

Сайёҳ «мола» устида энгашган эса-да, «мола»га қарамас, балки ҳозир

жиноятчи нима бўлишини кутар эди.

— Уни эҳтиёт қил! — деб бақирди офицер ва соқчига ишонмай, аппаратни айланди-да, жиноятчининг ёнига ўзи бориб, унинг юлқинишига қарамай, соқчи ёрдамида қўлтиғидан кўтариб, оёққа қўйди.

Энди менга ҳаммаси аён, — деди сайёҳ офицер қайтиб келгач.

Лекин асосий нарса у ёқда, — деди офицер ва сайёҳнинг тирсагини қисиб, юқорига имо қилди, — «хисобчи»нинг ғилдираклар тизими ўша ерда жойлашган. Улар «мола» ҳаракатини белгилайди. Бу тизим суд хукми тайёрлаган чизма бўйича ўрнатилади. Мана, у, офицер ҳамёнидан бир неча қоғоз чиқарди, — афсуски, бу қоғозларни қўлингизга беролмайман. Бу менинг — ягона бойлигим. Манайи ерга ўтиринг, шунда ҳаммаси кафтдагидек кўринади.

Офицер биринчи қоғозни чиқарди. Сайёҳ шунчаки мақтаб қўймоқчи ҳам бўлган эди, аммо қоғоздаги чизиқлар шу қадар айқаш-уйқаш ва бир-бири билан қайта-қайта кесишганидан сира очик жой қолмаган эди.

— Ўқинг, — деди офицер.

— Мен ўқий олмайман, — деди сайёҳ.

— Ҳаммаси аниқ ёзилган-ку, — деди офицер.

Ха, жуда дид билан ёзилган, — деди сайёҳ гапдан қочиб, — фақат мен яхши илғай олмаяпман.

— Тўғри, деди офицер кулиб ҳамёнини чўнтағига соларкан, бу мактаб ўқувчиларининг алифбоси эмас. Диққат билан ўқиш керак. Ана шунда сиз ҳам тушуниб олардингиз. Албатта, бу ҳарфлар содда бўлиши мумкин эмас: чунки чизма бўйича жиноятчи тез ўлмаслиги лозим. Ўрта хисобда жазо олти соат давом этади. Кескин бурилиш пайти охирида юз беради. Ҳар бир жумла ўз мазмунига кўра безатилади. Ёзувнинг ўзи танада нозик камар шаклидагина бўлади. Тананинг қолган қисмини фақат безаклар тўлдиради. Энди сиз «мола»нинг ишини ва, умуман, аппаратни баҳолай оларсиз! Қаранг!

Офицер сакраб трапга чиқди ва қандайдир ғилдиракни айлантириди. Кейин пастга қараб: «Диққат, четга қочинглар!», дея бақирди. Аппарат ҳаракатга келди. Агар, ғилдираклардан бири шакирламаганида, ҳаммаси жойида эди-я. Офицер бу ғилдиракнинг «қилиғи»дан уялгандай, унга ўзича мушт ўқталди, кейин сайёҳдан кечирим сўраган бўлиб, қўлларини ёзди-да, аппаратни пастдан кузатиш учун шошиб

тепадан тушди. Аппаратнинг фақат офицергагина маълум бўлган яна бир бузуқ жойи бор, шекилли, у қайтадан трапга чиқиб, қўлларини «ҳисобчи»нинг ичига тиқди, кейин вақтни йўқотмаслик учун пўлат қувурга ўтирию ғизиллаб пастга тушиб, шовқин ичидা сайёҳнинг қулоғига қичқира бошлади:

— Машина фаолияти сизга тушунарли бўлдими энди?.. «Мола» шундай ёза бошлайди: елкага дастлабки ёзув тушгандан кейин пахта қатлами секин айланиб, танани ағдаради ва ёзишга янги майдон тайёрлайди. Тананинг ёзилган қисмидаги қонни эса маҳсус ишланган пахта сўриб олади ва ёзувнинг ботиб туриши учун имконият яратади. «Мола» четидаги мана бу тишлар тана ағдарилаётган пайтда ярага ёпишиб қолган пахта парчаларини юлиб олади ва ҳандаққа ташлайди. Кейин «мола» яна ҳаракатга келади, Шу кўйи «мола» ўн икки соат давомида ёзувни чукурлаштириб бораверади. Дастлабки олти соатда жиноятчи аввалгидай яшайди, фақат оғриқдан азобланади. Икки соат ўтгач — бас, жиноятчи оғзидағи намат тиқинни ҳам олиб ташласа бўлаверади, чунки унинг бақиришга мадори қолмайди. Жиноятчининг бош тарафига, мана бу товоққа (у электр билан қиздириб турилади) илиқ гуруч бўтқа солинади. Агар, жиноятчи тили етса, ундан ейиши мумкин. Шу кунгача бу лаззатдан бош тортган бирорта жиноятчи бўлмади. Ҳархолда, шундай. Фақат беш соатдан кейин жиноятчи овқатга қарамай қўяди. Шундай пайтларда мен мана шу ерга чўкка тушиб, манзарани кузатаман. Одатда, жиноятчи бўтқанинг сўнгги ютимини еб қўймай, оғзида айлантириб лўндалайди-да, ҳандаққа туфлайди. Агар, шундай пайтда энгашиб қолмасам, бўтқа нақ юзимга чапланиши мумкин. Аммо олтинчи соатда жиноятчи шундай мулойимлашадики, энг калтафаҳм жиноятчиларнинг ҳам тафаккури равшанлашади. Бу ҳодиса унинг кўзлари теварагида бошланиб, атрофга ёйилди. Бу манзара кишини сехрлайди, «мола» тагига киргинг келади. Кейин айтарли ҳеч нарса юз бермайди, фақат жиноятчи ёзувни тушуна бошлайди, уни тинглаган каби қулоғини динг қиласди. Сиз ҳали қоғозда кўрдингиз, ёзувни кўриш қийин, бизнинг жиноятчимиз эса уни ўз яралари орқали ўқиди. Албатта, бу оз меҳнат эмас, уни ниҳоясига етказмоқ учун олти соат керак. Олти соатдан кейин «мола» тишлари жиноятчи танасини бутунлай тешади ва уни ҳандаққа — қонли пахта ва сув ичига итқитади.

Сайёҳ офицер томон хиёл энгашиб қулоқ солар ва айни пайтда

машинанинг ишлашини кузатарди. Жиноятчи ҳам аппаратта қараб турад, аммо ҳеч нарса англамасди. У энкайганча, «мола»нинг бориб келаётган тишларига тикилиб турганида, соқчи аскар (офицернинг ишораси билан) ортидан келиб, пичоқ билан кўйлак ва иштонини иккига бўлиб ташлади. У уягини ёпиш учун иштонини ердан кўтармоқчи бўлди-ю, аммо соқчи қолган-қутган жулдурини ҳам юлиб олди. Офицер машинани созлади; шовқин-суронсиз яланғоч аскарни «мола» остига ётқизиши. Унинг қўлидаги занжир ўрнига тасмалар боғланди. Илк дафъа бу жиноятчи учун енгилликдай кўринди. Кейин «мола» одатдагидаи кўра пастроқ тушди, чунки аскар ориқ эди.

Баданига тишлар текканида аскар титрай бошлади. Соқчи унинг ўнг қўлини боғларкан, жиноятчи чап қўлини беихтиёр сайёх томон чўзди. Офицер бўлса кўз қири билан сайёхни кузатар, бу жазо (гарчи юзаки тушунтирган бўлсада) қандай таассурот уйғотишини чет элликнинг юзидан билиб олишга интилар эди.

Соқчи аскар қаттиқ тортганиданми, билакка боғланадиган тасма узилиб кетди. У офицерни ёрдамга чақириб, унга узилган тасмани кўрсатди. Офицер унинг ёнига борди ва сўнгра ортига ўгирилиб, сайёхга изоҳ бера бошлади:

Машина мураккаб бўлгани учун доим нимадир синиб, нимадир узилиши мумкин, аммо бу ҳол машинани баҳолашда путур етказмаслиги лозим. Масалан, узилган тасма ўрнида мен дарҳол занжирдан фойдаланишим мумкин. Тўғри, бу ҳолда ўнг қўлнинг тебраниши ўз нафосатини бир оз йўқотади.

Офицер занжирни боғлаётиб, қўшиб қўйди:

— Машинанинг ишлаши учун ажратилаётган маблаг жуда кам. Собиқ комендант даврида бу маблагни мен ўз билганимча сарфлар эдим. Бу ерда ҳар хил зарур темир-терсак сақланадиган хона бор эди, Мен асбобларни аямай ишлатардим. Аввал шунаقا эди. Янги комендант бўлса эски тартибни маън қилишга интилгани-интилган. Ҳозир машина учун ажратилган пулга ўша хўжайин, дейлик, мен янги тасма олиб келишга одам юборсам, комендант эски тасмани кўрсатишни талаб қиласди ва оқибатда ўн кун вақт ўтиб, янгисини юборади, аммо бу ҳам яроқсиз чиқади. Мен тасмасиз машинани қандай бошқараман — бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

«Бирорларнинг ишига дабдурустдан аралашмоқ доим хавфлидир», деб ўйлади сайёх. Чунки у колонияда ҳам, колония қарашли бўлган

мамлакатда ҳам яшамайди. Агар, сайёҳ жазо маросимини танқид қилса ёки уни тўхтатишга уринса, унга: «Сен чет элликсан, иззатингни билиб, жим тур», дейишлари мумкин, ўшанда сайёҳ бунга эътиroz қилмас, аксинча, у: «Мен ҳам ўзимга ҳайронман, ахир, мен бегона мамлакатларнинг суд ишларини ўзгартириш учун эмас, балки илм ахтариб саёҳатга чиқдим-ку», деб айтган бўларди. Лекин бу ердаги аҳвол сайёҳни қизиқтириб қўйганди. Суд ишларидаги адолатсизлик ва жазонинг ваҳшиёналиги шундоққина кўриниб турарди. Сайёҳни ҳам бирор манфаатдорликда айблай олмас, чунки у жиноятчига на қариндош, на ватандош бўлади. У жиноятчига ачинмас, умуман, жиноятчи одамда раҳм уйғотадиган киши эмасди. Лекин сайёҳ бу ерга олий идоралар тавсияномаси билан келган бўлиб, уни яхши кутиб олган эдилар. Ҳатто жазо маросимига таклиф қилаётib, сайёҳдан бу ернинг суд ишлари хақида фикр билдиришини зоҳирий истагандай ҳам бўлишди. Ҳозир маълум бўлдики, янги комендант ҳам сайёҳга ўхшаб бу офицерга нисбатан деярли душманларча муносабатда-ю, колониядаги суд тартиблари уни ҳам қаноатлантирумас экан.

Сайёҳнинг хаёлини офицернинг дарғазаб қичқириғи бўлди. У бир амаллаб намат тиқинни жиноятчи оғзига солган эди, жиноятчининг кўнгли айниб, кўзларини юмганча қалтирай бошлади. Офицер шоша-пиша унинг бошини ҳандак томон бурмоқчи бўлди, аммо улгурмади — аскарнинг оғзидан қусуқ отилиб чиқиб, бутун машинани булғади.

— Ҳаммасига комендант айбор! — дея қичқирди офицер ғазабдан темир ғўлани юлқилаб. — Машинани худди чўчқаҳонадай булғашади! У ҳамон титраётган қўллари билан аскарга ишора қилиб, сайёҳга деди:

— Жазодан бир кун олдин овқат беришни тўхтатиш зарурлигини комендантга соатлаб айтганман. Лекин янги тартиб тарафдорлари бошқача фикрда. Жиноятчини олиб кетиш арафасида комендантнинг хонимлари унга ҳар хил ширинликлар улашади. Умр бўйи сассиқ балиқ еб кун кечирган бу нусха энди ширинлик ейиши керакдай! Майли, бунисига ҳам чидаш мумкин, мен бунга кўнишиб қолдим, аммо комендантдан янги намат тиқин сўраганимга уч ой бўлди. Мана, қаранг, юзлаб одам ўлими олдидан тишлаб, сўрган бу тиқинни жирканмай оғизга олиш мумкинми, ахир?!

Жиноятчи бошини ёстиқقا қўйди, унинг кўриниши осойишта эди. Соқчи аскар жиноятчининг кўйлаги билан машинани арта бошлади. Шу пайт офицер сайёҳга яқинлашди. Сайёҳ нимадандир шубҳаланиб

бир қадам ортга тисланди, лекин офицер унинг қўлидан ушлаб, четга тортди.

— Сизга бир гап айтсам майлими?

— Албатта, —деди сайёҳ ва бошини қўйи солиб тинглашга чоғланди.

— Ҳозир сиз томоша қилаётган буadolatli суд ва жазонинг колониямизда очиқ тарафдорлари, муҳлислари йўқ. Бунинг ягона химоячиси мен ва собиқ комендант қолдирган мероснинг ҳам ёлғиз химоячиси ўзимман. Мазкур суд тартибларини келажакда такомиллаштириш менинг хаёлимда ҳам йўқ. Бутун кучим мана шу — борини асрашга кетяпти. Эски комендант даврида колония унинг маслакдошлари билан тўла эди. Ишонтириш қобилияти менда ҳам бор, фақат собық комендант мансабдан ажralган. Шу сабаб унинг тарафдорлари кўп бўлса-да, ҳозирча жим, пусиб юришибди. Агар бугун — жазо маросими куни қаҳвахонага кирсангиз ҳам гап-сўзларга қулоқ солсангиз, фақат мужмал сухбатлардан бошқа ҳеч нарсани эшитмайсиз. Чунки бу одамлар эски тартибни ёқлашса ҳам, токи янги комендантнинг қарашлари ўзгармас экан, улардан бирор гап чиқиши қийин. Энди сиздан сўрамоқчиман: наҳотки, ўша комендант ва унинг хонимчалари дастидан бир одам умрини сарф қилиб яратган мана шу мўъжиза (аппаратни қўрсатиб) йўқ бўлиб кетса? Бунга йўл қўйиш мумкинми? Ҳатто сиз чет эллик бўлсангиз ҳам, ҳатто бизнинг оролга бир неча кунга келган бўлсангиз ҳам, айтиңг, шунақаям бўладими? Вақт ўтиб боряпти. Менинг суд ишларимга қарши аллақандай чоралар кўришаётгани аниқ: комендантурда менсиз қандайдир мажлислар ўтказишишмоқда. Ҳатто сизнинг бу ташрифингиз ҳам вазиятнинг қалтислигидан дарак беряпти; улар ўзлари келишдан чўчиб, аввал сизни — чет эллик одамни жўнатишади... Илгари жазо маросими қандай тантанали равишда ўтарди-я! Қатлга бир кун қолганда водий одамга тўлиб кетарди. Бу томошани кўриш учун ҳамма келарди. Эрта тонгда комендант ўз хонимлари билан пайдо бўлганда, ногора товушидан бутун лагерь уйгонарди. Мен комендантга ҳамма нарса тайёрлиги ҳақида дарров ахборот берардим. Юқори лавозимдагилардан бирортасининг маросимдан кетишига ҳаққи йўқ эди. Тўпланганлар машина атрофида ўтирадилар. Анави тўқима креслолар — ўша пайтдан қолган-қутгани... Машина топ-тоза, ярқираб туради. Мен ҳар бир қатл олдидан машинага янги қисмлар қўярдим. Юзлаб томошабинларнинг кўзи олдида комендант жиноятчини ўз қўли билан

«мола» остига ётқиздиарди, одамлар бўлса, ху анави дўнглиkkача уймалашиб, оёқларининг учидаги туришиб томошани кузатарди. Бугун оддий аскар бажараётган иш каминангиз — суд раисининг фахрли бурчи эди. Қатл ана шунаقا бошланарди! Машина ҳеч қачон бузилиб қолмасди. Баъзи бирорлар машинага умуман қарамас, кўзларини юмиб қўмда ётардилар, чунки адолат тантана қилишини шундоқ ҳам яхши билишарди. Сукунат ичра оғзига намат тиқилган жиноятчининг бўғиқ инграши эшитиларди, холос. У пайтлар «мола» тишлари ўзидан аччиқ суюқлик чиқаарди, ҳозир бу усул таъкиқланган.

Қатлнинг олтинчи соати!.. Манзарани яқиндан кўришга интилганларнинг илтимосини қондириш мумкин бўлмай қоларди. Аммо комендантилизи фаҳмли киши эди, у дастлаб энг олдинга болаларни ўтказарди. Мавқеим тақозасига кўра мен машинанинг ёнида туришга ҳақли эдим, ху анави ерда ҳар тиззамга биттадан болани олиб, қатлни кузатар эдим. Жиноятчининг азобдан қийшайган чехрасида ажаб бир равшанликни кўрардик биз, бу — ниҳоят эришилган ва айни пайтда яна йўқолиб бораётган адолат нури эди, унга чўмилардик! Эҳ, дўстим, қандай замонлар эди у замонлар!

Офицер ёнида ким турганини мутлақо унуганди: у сайёҳни дўстона қучоқлаб, елкасига бошини қўйгандай бўлди. Сайёҳ бўлса, нима қиларини билмай, бетоқатлик билан четга қараб турарди. Аскар машинани тозалаб бўлди, энди тунука идишдаги бўтқа қолдиқларини товоққа сола бошлади. Хуши ўзига келган жиноятчи буни кўрдию дарров тилини товоқ томон чўзди. Лекин соқчи аскар унинг бошини орқага итариб қўйди ва очиқкан шўрликнинг кўз олдида ифлос қўлларини бўтқага тиқиб, ўзи ея бошлади. Бу ҳам тартибга хилоф эди, албатта.

Офицер ўзини тезда ўнглаб олди.

— Сизга таъсир ўтказиш ниятим йўқ, — деди у, — энди ўша пайтларни айтиб бирорга англатиш маҳол, буни ўзим ҳам биламан. Нима бўлганда ҳам машина ишляпти, қиймати қандай иш беришига боғлиқ. Ҳар қалай, у бутун бир водийда ягона бўлса-да, иш беряпти: ҳамон жиноятчининг танаси ақл бовар қилмас доира ясад, ҳандаққа учяпти, гарчи ҳандақ теварагида юзлаб одам пашшадай уймалашмаса-да!

Илгарилари бу ҳандақ мустаҳкам панжара билан ўралган бўлиб, уни аллақачон қўпориб ташлашган эди.

Сайёҳ офицердан юзини олиб қочиш учун гоҳ у, гоҳ бу ёққа маънисиз

алангларди. Офицер сайёхни водийнинг кимсасизлиги таажжублантирди деб ўйлади, шекилли, ёнига бориб қўлидан ушлади, гирдикапалак бўлиб, кўзига қарамоқчи бўлди:

— Ана, кўрдингизми шармандаликни? — деди офицер.

Сайёҳ унга жавоб бермади. Офицер ҳам кутилмагандан жим бўлди ва қўлларини белига тираб, оёқларини керганча ерга тикилиб қолди.

Кейин кўтаринки бир табассум билан сайёҳга боқди:

— Кечакомендант сизни таклиф қилаётганида, мен ўша ерда эдим.

Комендантни биламан. Сизни нима мақсадда бу ерга таклиф қилганини дарров тушундим. Менга қарши туришга унинг кучи етса ҳам, ҳозирча журъат қилмаяпти. Лекин сиздай ҳурматли чет эл меҳмонининг мен ҳақимдаги фикрини эшитиб кўрмоқчи. Унинг режаси аниқ: сизнинг оролимизга келганингизга икки кун бўлди, эски комендантнинг ўзини ҳам, қарашларини ҳам ҳали билмайсиз, балки сиз, — оврупо бидъати тарбиялаган одам — умуман, ўлим жазосига, қисман бизникдай автоматлашган қатлга, ниҳоят, бу қатл сал эскирган машинада, томошабинларсиз ижро этилишига мутлақо қаршидирсиз. Комендант шуни ўйлаган. Буларнинг ҳаммаси, мен қилаётган ишлар сизга ёқмаслигига умид туғдиради, шундай эмасми? Агар, сизга ёқмас экан (мен ҳамон комендант фикрини айтяпман), бу ҳақда, албатта, қаердадир гапирасиз, чунки сиз ўзингизнинг катта тажрибангизга суюниб иш қилишингиз табиий. Тўғри, сиз турли халқларнинг ўзига хос одатларини яхши биласиз ва олимларча фикр юритиб, бу ерда кўрганларингиз хусусида ҳамма жойда ҳам, дейлик, ўз юртингиздагидай, кескин гапирмайсиз, албатта. Комендантга бунинг кераги ҳам йўқ. Унга сизнинг шунчаки айтган бир қалтис гапингиз кифоя. Бу гап гарчи эътиқодингизга алоқасиз эса-да, комендантнинг истагини қондирса бўлди. Кейин у сизга айёрлик билан ҳар хил саволлар бераверади. Унинг хонимчалари эса сизни ўраб, қулоқларини динг қиладилар. Дейлик, «бизда суд ишлари бошқача» ёки «бизда ўлим жазосидан бўлак жазолар ҳам бор» ёки «одамни қийнаш бизда факат ўрта асрларда бўлган», десангиз, бас. Майли, бу гапларингиз тўғри бўла қолсин. Майли, улар сизнингча табиий бўлиб, менинг ишимга алоқаси йўқдай туюлсин, лекин, биласизми, комендант нима қиласидай? Мен буни тасаввур этаман. Комендант бу гапни эшитибоқ, ўтирган курсисини кескин четга суради-да, болохонага чиқади. Унинг изидан хонимлари эргашади. Кейин унинг хонимчалари «момоқалдириқдай»

деб аташган овоз эшлиләди: «Гарбнинг буюк олими, бутун мамлакатларда суд ишини қайта кўриб чиқиш учун тайинланган вакил ҳозиргина бизнинг эски тартиб инсоний эмаслигини эълон қилди. Мен бу ҳурматли зот холосасидан сўнг эски удум билан келишолмайман ва буйруқ бераманки, шу соатдан бошлаб...» Ва ҳоказо. Сиз шунда гапга аралашмоқчи бўласиз, мен бу гапларни айтмадим, демоқчи бўласиз, менинг услубим ваҳшиёна эмас, балки чинакам инсоний услуб, инсонга лойик ягона услуб эканини, аппаратга қойил қолганингизни ҳам айтмоқча шайланасиз, аммо энди кеч бўлади. Чунки сиз хонимчалар тўпланган болохонага чиқолмайсиз, ҳаммани ўзингизга қаратмоқ учун қичқирмоқчи бўласиз, аммо бирорта хонимнинг қўлчаси оғзингизни беркитадио мен ва собиқ комендантнинг васиятлари барҳам топади.

Сайёҳ кулгидан ўзини зўрға тутди: у оғир деб ҳисоблаган вазифа шунчалик осон экан-да. Шунга қарамай, у иккиланиб гапирди:

— Сиз менинг мавқеимга ортиқча баҳо беряпсиз: комендант мендаги тавсияномани ўқиб кўрган ва менинг суд ишлари бўйича билимдон эмаслигим энди унга аён. Мабодо, мен бирор фикр билдирганимда ҳам, бу фикр ҳар қандай одам айта оладиган шунчаки фикр бўлар эди.

Харҳолда, менини комендантнинг фикричалик, яъни колонияда билишимча, кенг ҳуқуқча эга одамнинг фикричалик мавқега эга бўлмайди. Агар, бу тузум ҳақида комендантнинг режаси сиз айтгандай чиндан қиёмага етган бўлса, менинг арзимас ёрдамимсиз ҳам тузум қуламаса, деб қўрқаман.

Офицер буни англадимикан? Йўқ, ҳали англамаган эди. Офицер бошини чайқади-да, соқчи аскар билан жиноятчига қаради. Улар сесканиб бўтқадан қўлларини тортишди, Кейин офицер сайёҳга яқин келиб, унинг кўзига эмас, камзули ёқасига қараб, одатдагидан секинроқ гап бошлади:

— Сиз комендантни билмайсиз. Унга ҳам, бизга ҳам, мени кечиринг-у, бир қадар, соддадиллик билан ёндашяпсиз. Сизнинг таъсирингиз, менга ишонинг, бебаҳодир. Қатл пайтида якка сиз бўлишингизни эшлитиб, қувонганимни билсангиз эди. Комендантнинг режаси бўйича бу менга зарба бўлиши керак, мен эса зарбани ўз фойдамга ҳал қиляпман. Сиз менинг изоҳларимни bemalol тингладингиз. Агар, одамлар бўлганида нафратомуз нигоҳларию мунофиқ шивирлашлари билан бизга халал беришарди. Мана, сиз машинани ўз кўзингиз билан

кўрдингиз. Энди қатлни кўрмоқчисиз. Сизнинг хulosангиз, албатта, тайёр бўлса керак. Мабодо, бирор етишмовчилик бўлса, қатл манзарасининг ўзи буни бартараф қиласди. Энди сизга мурожаат этмоқчиман: комендантни енгишга ёрдам беринг, илтимос!

Сайёҳ унинг гапини оғзидан олди:

— Мен нима қила оламан?! — дея хитоб қилди у. — Бунинг иложи йўқ. Мен сизга халақит беролмаганимдай, ёрдамим ҳам тегмайди.

— Тегади! — деди офицер (сайёҳ унинг қисилган муштини кўриб, чўчиди). — Ёрдамингиз тегади, — деди яна таъкидлаб офицер, — менда бир фикр бор, ўйлайманки, бу қўл келади. Сиз, «таъсирим етарли эмас», деяпсиз. Менимча, етарли. Мабодо сиз ҳақ бўлсангиз ҳам, наҳотки, эски тартибни сақлаб қолиш йўлида энг кичик, майли, бефойда туюлган имкониятдан фойдаланмасак? Менинг режамга қулоқ солинг. Бу режа амалга ошиши учун авваламбор сиз колонияда бизнинг судимиз хусусида иложи борича юмшокроқ гапирмоғингиз даркор.

Агар, сиздан бирор сўрамаса, умуман, гапирманг. Гапирган тақдирда ҳам қисқа ва мужмал гапирган маъқул. Улар сизга бу ҳақда сўзлаш осон эмаслигини кўрсин, мабодо очиқ гапирсангиз, ўзингизни сўкиниб юборадигандай тутиng. Мен сиздан ёлғон сўйлашни талаб қилаётганим йўқ. Фақат қисқа жавоб берсангиз бас. Норози оҳангда «ҳа, мен ҳукм ижросини кўрдим» ёки «ҳа, мен барча изоҳларни тингладим», десангиз кифоя. Норози оҳангда гапириш учун сизда етарли асос бор. Комендант бу норозиликни ўзиникига мутлақо тескари эканини билмайди.

Комендант буни ўз фойдасига деб билади. Кейин эртага комендант раислигида бошқарманинг ҳамма мансабдорлари қатнашадиган мажлис чақирилади. Комендант бунаقا йиғилишларни томошага айлантиришга уста. Ҳатто томошабинлар учун алоҳида бўлмалар ҳам қуришган. Одам доим кўп бўлади. Кўнглим айниса ҳам, ўшанаقا мажлисларга қатнашишга мажбурман. Сизни, албатта, таклиф қилишади. Агар, сиз бугун ўзингизни мен айтгандай тутсангиз, уларнинг таклифи илтижога ҳам айланиши турган гап. Бордию сизни қандайдир сабабларга кўра таклиф қилмасалар, сиз таклифни ўзингиз сўраб олишингизга тўғри келади ва илтимосингиз қондирилишига шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади. Шундай қилиб, сиз эртага хонимчалар билан комендант равоғида ўтирган бўласиз. Комендант вақти-вақти билан сизни ўтирибдими-йўқми деб тепага қараб кўяди. Анчагача фақат тингловчиларга мўлжаллаб қилинган асоссиз маърузалардан

сүнг, дейлик, одатдагидай, портдаги қурилиш ишлари ҳақидаги нокерак масала кўрилади ва кейин гап суд ишларига келиб тақалади. Мен ўрнимдан туриб бугунги қатл ҳақида ахборот бераман. Ахборотим жуда қисқа бўлади. Тўғри, уни лўнда қилиб айтиш мумкин эмас, лекин шундай қиласман. Комендант одатдагидай жилмайиб, миннатдорчилик изҳор этади менга ва қулай имкониятни бой бермай, ўрнидан туради. «Ҳозиргина, — дейди у ёки шунга ўхшашиб гап қиласми, — ҳозиргина биз бўлиб ўтган қатл ҳақидаги ахборотни эшитдик. Шахсан мен шуни эслатиб қўймоқчиманки, қатл маросимида буюк олим ҳам иштироқ этди. У бизнинг колониямизга ташриф буюриб, катта илтифот кўрсатгани ҳаммангизга маълум, Бугунги мажлисимиз ҳам бу муҳтарам зот қатнашаётгани сабабли катта аҳамиятга эгадир. Биз эски одат бўйича чиқарилган ҳукм ва унинг ижроси ҳақида улуғ олимдан фикр-мулоҳазаларини айтишини илтимос қилсақ, нима дейсизлар?» Албатта, ҳамма чапак чалади, мен эса улардан ҳам кўпроқ чаламан. Комендант сизга таъзим қилиб: «Демак, бу савол барчанинг номидан берилиди сизга», дейди. Сиз эса ўрнингиздан туриб тўсиқ ёнига борасиз.

Қўлларингизни намойишкорона тарзда тўсиқ устига қўясиз, акс ҳолда, хонимлар қўлингизни олиб, бармоқларингизни ўйнай бошлашади. Нихоят, нутқ ирод этасиз. Бунгача қандай чидаб туришимни мен тасаввур қололмаяпман. Нутқингизни сиз чекламанг. Бор овоз билан ҳақиқатни айтинг. Фикрингизни баралла айтинг, ха, ха, тўппа-тўғри комендантнинг юзига қараб ҳайқиринг. Балки, сиз буни истамассиз, табиатингиз қўттармас, балки сизнинг юртингизда бунаقا ҳолда киши ўзини бошқача тутар, а? Яхшиси, сиз ўрнингиздан турманг. Бир-икки оғиз гапирадиган бўлсангиз, сўзингизни пастдаги равоқда ўтирган мансабдорлар эшитилар-эшитилмас қилиб айтинг, шу — бас. Шунинг ўзи етарли. Фақат қатл маросимида одамлар бўлмагани юбузук ғилдирак ва узилган тасма ҳақида, кўнгилни айнитувчи намат тиқин тўғрисида оғиз ҳам очманг, буни ўз гарданимга оламан. Ишонинг, менинг нутқим комендантни залдан чиқиб кетишга мажбур этмаса ҳам, уни тиз чўқтиражак, «собиқ комендант, мен сенга таъзим қиласман!», дейишга мажбур қилажак!.. Мана, менинг режам. Буни амалга оширишга ёрдам беришни истайсизми ўзи? Албатта, истайсиз. Истакдан ташқари бу сизнинг бурчингиз ҳам.

Офицер сайёхнинг қўлларини олди-да, кўзига бокди. У сўнгти сўзларни шундай бақириб айтдики, овқат талашаётган соқчи билан

жиноятчи ҳеч нарсага тушунмаса ҳам дархол түхтаб, оғизларидағини чайнаганларича сайёхга қараб қолиши.

Сайёх офицерга берадиган жавобини аллақачон үйлаб қўйган эди: у — умри давомида кўп нарса кўрган холис одам, ҳозир иккиланиб ё қўрқиб ўтиromoқчи эмасди. Шунга қарамай, аскар билан жиноятчининг овозини эшитгач бир зум жим қолди. Нихоят, у айтиши керак бўлган сўзни айтди:

— Йўқ!

Офицер ундан кўзини узмай киприкларини пириллатди.

— Сизга изоҳ керакми?

Офицер индамай бошини силкиди.

— Мен бунақа суд тартибига қаршиман, — деди сайёх, — гарчи сизнинг менга ишониб айтган гапларингизни ҳеч қачон суистеъмол қилмасам-да, ҳали бу ишончни қозонмай туриб, сизлар ўрнатган тартибга қарши боришга ҳаққим борми, қаршилигим бирор натижа берадими, деб үйлаган эдим. Бу ҳақда дастлаб комендантга мурожаат қилишим кераклиги менга аён эди. Менинг бу фикримни сиз яна равшанлантирдингиз. Аммо мендаги бу қатъий қарорни (гарчи, сизнинг ашаддий, холис эътиқодингиз мени ҳаяжонлантирсада) мустаҳкамлаган сиз эмассиз.

Офицер индамади, машинанинг ёнига бориб, жез ғўлалардан бирига қўлини теккизди, кейин бошини кўтариб, «хисоб»чини текширгандай бўлди. Соқчи аскар ва жиноятчи бўлса аллақачон дўстлашиб олгандилар. Тасмалар билан чандилган жиноятчи бир амаллаб аскарга имо қилас, аскар у томон энгашар ва жиноятчи унга ниманидир шивирларкан, у бошини силкирди.

Сайёх офицернинг ёнига келди.

— Сиз ҳали менинг ниятимни билмайсиз-ку?! Албатта, мен комендантга бу ердаги аҳвол хусусида ўз мулоҳазамни айтаман, аммо ёлғиз ўзига айтаман. Қолаверса, мен қандайдир мажлисда қатнашмоқ учун бу ерда узоқ ушланиб қолиш ниятим йўқ. Эртага эрталаб мен кетаман, лоақал, бирор кемага тушиб жўнайман.

Бу гаплар офицернинг бу қулоғидан кириб унисидан чиқаётгандай эди.

— Демак, сизга бизнинг суд ишларимиз маъқул келмади, — деди у ўз-ўзига гапиргандай ва кинояли кулиб қўйди. У боланинг инжиқлигидан кулган чол каби хаёлларини кулгу пардасига яшираётганга ўхшар эди.

— Ундей бўлса ишни бошлаймиз, — деди офицер ва кутилмаганда

тиниқ нигоҳ билан сайёхга қаради. Бу қарашда нечукдир уйғониш, нимагадир даъват ифодаси бор эди.

— Нимани бошлаймиз? — деб сўради сайёх, лекин жавоб олмади.

— Сен озодсан, — деди офицер жиноятчига унинг тилида.

Жиноятчи дастлаб ишонмади. Офицер яна такрорлади:

— Сен озодсан, дедим-ку!

Аввалига жиноятчининг юзига нур югурди. Наҳотки, рост бўлса!

Балки... офицернинг эрмагидир бу? Ёки анави келгинди уни кечиришларини сўраганмикан? Нималар бўляпти ўзи? Бу саволларнинг барчаси жиноятчи юзига ёзиғлиқ эди. Аммо умиди узоққа бормади, шунга қарамай, нима қилиб бўлса-да, озод бўлгиси келди ва «мола» остида имкони борича юлқина бошлади.

— Тасмаларни узуб юборасан, — дея бақирди офицер, — жим ёт!

Хозир биз уларни бўшатамиз.

Офицер соқчи аскарга ишора қилди ва икковлон ишга тушдилар.

Жиноятчи оҳиста куларди. У бошини буриб, гоҳ чапга — офицерга, гоҳ ўнгга — аскарга, ҳатто сайёхга ҳам қараб қўяди.

— Уни чиқариб ол, — деб буюрди офицер аскарга. «Мола» жуда яқин тургани учун эҳтиёт бўлиш керак эди. Бесабр жиноятчининг елкасида бир неча кичик жароҳат ҳам пайдо бўлди. Лекин офицер унга қарамай қўйди. У сайёхнинг ёнига келиб, чўнтағидан ўша чарм ҳамённи чиқариб, уни узоқ кавлади, излаган қофозини топиб, сайёхга рўпара қилди.

— Ўқинг.

— Ўқий олмайман, — деди сайёх, — буни ўқий олмайман дедим-ку.

— Яхшироқ қаранг, — деди офицер ва бирга ўқиш учун сайёхга ёнмаён келиб турди. Бу ҳам фойда бермагач, қўлини баланд кўтарганча, гўё қофозга тегиш мумкин эмасдай, жимжилоғи билан ниманидир кўрсатиб, сайёхнинг ўқишини енгиллаштиromoқчи бўлди. Жилла курса, шуни ўқиб, офицерни хурсанд қилиш ниятида сайёх ниманидир илғашга тиришса ҳам, фойдаси бўлмади. Шунда офицернинг ўзи аввал ҳарфларни топиб, кейин қўшиб ўқиди:

— «Адолатли бўл!» деб ёзилган бу ерда!

— Эҳтимол, — деди сайёх, — худди шундай деб ёзилганига аминман.

— Майли, — деди офицер ва озгина бўлса-да қаноатланиб, қўлида қофоз, трапга кўтарили; қофозни ғоят эҳтиёткорлик билан «хисобчи»нинг устига қўйди. Кейин тишли ғилдираклар тизимини

бутунлай қайтадан ўрнатишга киришди. Бунга кўп меҳнат талаб қилинарди. Тишли ғилдираклар ичида энг майдалари ҳам кўп бўлса керак, офицер «хисобчи»нинг ичига бошини тиқиб, узоқ диққат билан текшириди.

Пастда сайёҳ тимирскиланаётган офицердан кўз узмай қараб турар, унинг бўйни ва қуёшдан қамашган кўзлари оғрир эди. Аскар билан жиноятчи эса бирга эдилар: боя ҳандаққа улоқтирилган кўйлак-иштонни соқчи милтиқ найзаси билан илдириб олди. Кўйлак лой бўлгани учун жиноятчи уни сув тўлдирилган товоққа солиб ювди. Жиноятчи кийингач, унинг ўзи ҳам, соқчи ҳам бараварига кулиб юборишиди, чунки кўйлак билан иштон орқасидан икки бўлинган эди. Соқчининг кўнглини кўтаришни ўз бурчи деб билди шекилли, жиноятчи йиртиқ кийимини ҳилпиратиб, унинг олдида рақсга туша бошлади. Соқчи бўлса ерда ўтирганча кулиб, тиззасига шаппатилар эди. Лекин жанобларнинг шу ерда турганлиги уларни ўз майлларини тийишга мажбур этди.

Ниҳоят, офицер ишини тамомлади, ҳар бир мурватни табассум билан сўнгги бор кўздан кечирди, ҳозиргacha очик турган «хисобчи»нинг қопқоғини ёпиб, пастга тушди. Сўнgra ҳандаққа, кейин жиноятчига қаради. У уст-бошини ҳандақдан олганини қўриб, қаноатланди ва товоқ ёнига келди-ю, ифлос сувни кўргач таъби хиралашди. Демак, у қўлини юволмайди. Нима қилсин, гарчи қум сув ўрнини босолмаса ҳам, у қўлларини қумга тиқди. Кейин ўрнидан туриб, мундир тутмаларини бўшата бошлади. У мундир ёқасига солиб қўйган бир жуфт рўмолчани чиқариб олиб, жиноятчига ирғитди.

— Мана, сенинг рўмолчаларинг! — деди-да, сўнг сайёҳга қараб қўшиб қўйди: —Хонимларнинг совфаси.

Офицер мундирини ва қолган нарсаларини қанчалик шошиб ечмасин, ҳар бир кийимини ғоят эҳтиёткор бўлиб қўли билан ушларди. Ҳатто мундиридаги зарбоф чилвирни силаб ҳам қўйди, бир тола попугини силкиб тўғрилашни ҳам унутмади. Аммо ҳар бир ечилган кийимни у асабийлик билан ҳандаққа улоқтираркан, ўша эҳтиёткорлигидан асар ҳам қолмаётганди. Сўнгги буюм — камарга боғланган ханжар эди. У ханжарни қинидан чиқариб, тиззасига уриб иккига бўлди ва ҳар иккала бўлакни ҳам ҳандаққа шундай зарб билан отдики, пастда жаранглаган товушнинг акс-садоси эшитилди.

Офицер тир-ялангоч бўлди. Сайёҳ лабларини тишлаб олган, миқ этмас

эди у. Гарчи ҳозир нима бўлишини билса ҳам, унинг офицерга ҳалақит беришга ҳаққи йўқ эди. Модомики, офицер сифинган суд тартиби энди ўз моҳиятини йўқотган экан (балки бунга сайёхнинг аралашуви, унинг ўз бурчини бажаргани сабаб бўлгандир), бу тартиб тугаётган экан, офицернинг ҳозир қилаётган иши жуда тўғри, зеро, сайёҳ ҳам офицернинг ўрнида худди шундай қилган бўларди.

Соқчи аскар билан жиноятчи аввал бошда ҳеч нарсани тушунишмади, ҳатто дастлаб офицерга эътибор ҳам қилишмади. Жиноятчи рўмолчалари яна қўлига текканига хурсанд эди, аммо унинг шодлиги узоққа чўзилмади, чунки соқчи аскар кутилмагандан бир юлқиб рўмолчаларни тортиб олди ва камарига тикди. Жиноятчи рўмолчани олишга ҳар қанча уринмасин, эплолмади. Икки аскар яrim ҳазил, яrim чин — анчагача баҳслашдилар, кейин яланғоч офицерни кўриб, сергак тортишди. Айниқса, жиноятчи буюк бир ўзгаришни сезиб, қотиб қолди. Унинг бошига тушган кўргулик энди офицерни домига тортаётган эди. Бу — чет элликнинг буйруғи, шекилли. Демак, қасос бу. Ҳа, у тўла азоб чекмай, тўла қасос оладиган бўлди! Аскар илжайди ва шу ифода унинг чехрасида мухрланиб қолди.

Офицер машина томонга юзланди. Унинг аппаратни мукаммал билиши гарчи аввалдан маълум бўлса-да, шу тобда машинанинг ишлаши, яъни офицерга итоати кишини ҳайратга соларди: у қўлини «мола»га теккизган заҳоти, «мола» бир неча марта қўтарилиб тушдию офицер сиғадиган оралиқда гаққа тўхтади.

У «мола» тагига ётиб, «ётоқининг четига қўл теккизган ҳам эдики, «ётоқ» шу заҳоти тебрана бошлиди ва намат тиқин офицернинг нақ оғзи устида тўхтади. Офицер тиқинни оғзига олишни истамаётгани кўриниб турарди, аммо ўзини зўрлаб у ҳалигини оғзига олди. Ҳаммаси муҳайё, фақат тасмалар боғланмаган эди. Лекин офицерни боғлашга зарурат ҳам йўқ эди. Шунга қарамай, осилиб турган тасмаларни кўрган жиноятчи, қатл бу ҳолда рисоладагидай бўлмайди деб ўйлади, шекилли, аскарга ўйноқи бир имо қилди ва икковлон машина ёнига келишди. Офицер оёғи билан машинани ишга солувчи асбобни туртмоқчи эди, аммо аскарларни кўриб, қўл-оёғини боғлашга изн берди. У энди боғлиқ ҳолда ўша асбобга оёғини чўзолмас, аскар билан жиноятчи ҳеч нарсани тушунмас, сайёҳ бўлса бу ишга аралашишни мутлақо истамас эди. Лекин уларнинг хизматига зарурат қолмади: тасмалар боғланган замон машина ўзи ишлаб кетди. «Ётоқ» қалтиrap,

тишлар танага ботар, «мола» гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастга тушарди. Сайёҳ бу манзарага шунчалар маҳлиё бўлиб қолган эдики, ҳатто «ҳисобчи» ичида жойлашган бир ғилдиракнинг бузуқлиги ҳам эсидан чиқди.

Аммо ҳозир машина ниҳоятда шовқинсиз ишлар, ортиқча бирор товуш эшитилмасди.

Машина ўзининг сокинлиги билан унчалик дикқатни тортмай қўйди. Сайёҳ аскар билан жиноятчига қаради. Машина ҳаммадан кўпроқ жиноятчини қизиқтираётган эди: у гоҳ энкайиб, гоҳ оёғи учиди туриб, бармоғи билан аскарга ниманидир кўрсатарди. Бу сайёҳга ёқмади. У маросим тугагунча турмоқчи эди-ю, анави аскар билан жиноятчининг қилиқларини кўриб, чидай олмади:

— Уйга жўнанглар! — деди уларга.

Аскар бунга эътиroz билдиrmади, аммо жиноятчи буйруқни худди жазодай қабул қилди ва қўлларини қовуштириб, сайёхдан шу ерда қолишни сўради. Сайёҳ рад ишорасини қилиб бош чайқаган эди, жиноятчи чўкка тушганча ялина бошлади. Шунда сайёҳ буларга гап тушунтириб бўлмаслигини англаб, хайдаб юбориш учун улар томонга юрди, шу чоғ тепада — «ҳисобчи»нинг ичидан қандайдир товуш чиқди. Демак, ҳали ҳам битта ғилдирак носоз зкан. Лекин шу заҳоти «ҳисобчи»нинг қопқоғи оҳиста кўтарила бошлади. Аввал ғилдиракнинг тишлари, кейин ўзи кўринди. Гўё «ҳисобчи»ни аллақандай зохирий куч аёвсиз сиқиб, бу ғилдиракни ситиб чиқараётгандай эди. Ғилдирак «ҳисобчи»нинг четига ғилдираб келдию ерга тушди ва қумда озгина юмалаб, йиқилди. Лекин тепада иккинчи, учинчи ва кўплаб катта-кичик ғилдиракчалар изма-из пайдо бўлиб, қумга юмалай бошлади. Ҳар гал навбатдаги ғилдирак пайдо бўларкан, бу энг сўнгтисидай, ниҳоят «ҳисобчи»нинг ичи бўшагандай туюлар, аммо унинг изидан янгилари кўтарилиб, пастга тушар ва қумда юмалаб, ётиб қолаверарди. Бу томошага берилиб кетган жиноятчи сайёхнинг буйруғини ҳам унутди. У тишли ғилдиракчаларга завқ билан қаарар, уларни тутиб олишга харакат қилар, аскардан ёрдам сўрарди. Лекин ғилдиракни ушлаётиб, яна қўлинин тортиб олар, чунки унинг изидан келаётган янги ғилдиракнинг шиддати уни чўчитарди.

Сайёҳ бўлса, аксинча, бесаранжом эди: машинанинг бир маромда ишлаётганига мутлақо ишониб бўлмас, унинг тез орада парчаланиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Сайёҳ офицерга ёрдам бериш пайтим келди, деб ўйлади, чунки офицернинг ўзи мустақил ҳеч нарса қилолмасди.

Бироқ бутун дикқати юмалаётган тишли ғилдираклар билан банд сайёх машинанинг бошқа қисмларини кўздан қочирди. Нихоят, сўнгги ғилдирак тушганда сайёх «мола» узра энгашди-ю, ёқимсиз бир нарсаминг гувохи бўлди: «мола» аллақачон ёзмай қўйган, фақат бир жойга санчар эди, «ётоқ» ҳам танани айлантиrmай, фақат «мола»нинг тишларига бориб келаверарди. Сайёх бу ишга аралашмоқчи, ҳатто машинами тўхтатмоқчи ҳам бўлди. Ахир, бу офицер сезган қийноқ: маросими эмас, оддий қотиллик эдида. Шу пайт «мола» ўз тишларига танани санчди-да (қоида бўйича бу ўн иккинчи соатда юз бериши керак эди), айланиб ҳандақ устида тўхтади. Кон кўп оқар эди, чунки ўзидан сув чиқарадиган тишлар негадир ишламай қолиб, кон ювилмас эди. Шунингдек, танани ҳандаққа иргитадиган асбоб ҳам бу гал ишдан чиққан эди ва офицернинг танаси ўз қонига беланиб, узун тишларга санчилган ҳолда, ҳандақ узра осилганча туради. «Мола» бир сира ўз ўрнига қайтмоқчи ҳам бўлди, шекилли, аммо ҳали юқдан қутилмаганини сезгандай, яна ҳандақ узра тураверди.

— Ёрдам берсаларинг-чи! — дея бақирди сайёх соқчи билан жиноятчига ва ўзи офицернинг оёқларидан тутди. Сайёқ офицернинг оёғи томонидан, улар эса боши томонидан пастга боссалар, танани суғуриб олишлари мумкин эди. Аммо иккала аскар бунга журъат қилиша олмади. Ҳатто жиноятчи тескари ўгирилиб тураверди. Сайёх уларни куч билан офицернинг ёнига судраб келди. Шу пайт сайёх бир хиссиёт билан беихтиёр офицернинг юзига қаради: бу қиёфа ўзгармаган, тириклигига қандай бўлса, ҳозир ҳам худди шундай эди. Бу қиёфада ваъда қилинган ҳурлиқдан асар ҳам йўқ, барча қатл қилингаилар шу машина туфайли эришган ҳурлиқка офицер етолмаган эди. Унинг лаблари қаттиқ жипслашган, очиқ қўзларида тирик ифода, қарашидан мулойимлик ва ўзига ишонч барқ уриб турагар, манглайига эса катта пичноқсимон тиш ботиб кирган эди.

Сайёх сал олдинда, соқчи билан жиноятчи орқароқда юриб, колонияга этишганида, соқчи уйлардан бирини кўрсатиб, деди:

— Мана қаҳвахона.

Бу бинонинг пастки қаватида форга ўхшаган, деворларини қурум босган, шифти паст хона бор эди, Унинг кўчага қараган эшиги ланг очиқ турагар, гарчи бу қаҳвахона қолган уйлардан кам фарқ қилса-да (комендантуранинг ҳашаматли биносидан бошқа ҳамма уйлар эски эди), сайёҳда тарихий ёдгорликларни кўргандай таассурот қблдирди. Сайёх

қаҳвахонага яқинлашған захоти ўтган асрлар хидини сезди. У ёнидаги икки аскар билан қаҳвахона рўпарасида қўйилган бўм-бўш столларни оралаб ўтди-да, эшик олдида тўхтади. Ичкаридаи чиқаётган зах ҳавони ютди.

— Чол шу ерга кўмилган, — деди соқчи аскар, — руҳоний унга қабристондан жой бермади. Қаерга кўмишни билмай, узоқ сарсон бўлишди, ва ниҳоят уни шу ерга кўмдилар. Албатта, офицер сизга буни айтмаган, чунки офицер учун бундан ортиқ шармандалик йўқ эди. У ҳатто бир неча марта тунда чолни кавлаб олмоқчи бўлди, лекин уни ҳар гал ҳайдаб юборишаверди.

— Қани унинг қабри? — деб сўради сайёҳ аскарга ишонмай. Соқчи аскар билан жиноятчи аскар қабр қаерда бўлиши мумкинлигини дарҳол аниқлашиб қўлларини илгарига чўзишди-да, тусмоллаган жойни курсатишди. Кейин улар сайёҳни тўрдаги девор ёнига бошлаб боришди. Бу ердаги столда соқоли калта қирқилган забардаст одамлар ўтиришарди. Улар камзулсиз, эгнида йиртиқ кўйлакдан бошқа ҳеч вақо йўқ, чамаси, порт ишчилари, хуллас, хўрланган омма эди. Сайёҳ деворга яқинлашганда баъзилари ўрнидан туришиб, девор томон тисланишиб, сайёҳни кузата бошлишди.

— Бу чет эллик, — деган шивирлаш эшитилди ён-атрофдан, — у қабрни кўрмоқчи.

Улар столни суришди. Бу стол тагида чиндан ҳам қабр тоши ётарди. Тош унчалик баланд бўлмай, стол остидан деярли кўринмас эди. Ундаги ёзувлар ниҳоятда майда бўлганидан, сайёҳ тош ёнига чўкка тушиб, ўқишига мажбур бўлди: «Бу ерда кекса комендант ором олмоқда. Бу қабрни, гарчи бугун ўз исмларини айтолмаса ҳам, унинг муҳлислари қазди, тошни ҳам ўшалар қўйди. Маълум вақт ўтгандан кейин комендант тирилиб, колонияни қўлга киритмоқ учун ўз тарафдорларини жангга бошлайжак ва илк жанг қаҳвахонада бўлажак. Шундай башорат бор. Ишонинг ва кутинг!»

Сайёҳ ўрнидан турганда атрофида одамлар тўпланиб, унга тиржайишар, гўё ёзувни биринчи марта сайёҳ билан бирга ўқишган-у, ёзув уларга кулгили кўрингандай, гўё сайёҳни ҳам ўз фикрларига қўшиш учун кулаётгандай эдилар. Сайёҳ ўзини ҳеч нарса билмагандай тутди ва тўпланганларга бир неча танга улашди. У қабрни стол билан бекитишларини кутиб турди-да, кейин қаҳвахонадан чиқиб, портга жўнади.

Соқчи билан жиноятчи қахвахонада танишларини учратиб, ушланиб қолишидди. Лекин кўп эмас, албатта. Сайёҳ ҳали соҳилга йўналган узун зинапоянинг ярмига етмай ҳар иккаласи унинг изидан чопишидди. Улар сайёҳ билан бирга кетишмоқчи, сайёҳни шунга мажбур қилмоқчи бўлишидди, чамаси. Сайёҳ пастда қайиқчи билан кемага элтиб қўйишни келишиб олаётганида, иккаласи зинапоядан сассиз югуран, қичқиришга эса қўрқишарди. Ниҳоят, улар соҳилга тушганларида, сайёҳ аллақачон қайиққа чиқиб олган, қайиқ ҳам ўрнидан жила бошлаганди. Улар қайиққа сакраб чиқишлиари мумкин эди-ю, аммо сайёҳ қайиқ тубидан оғир арқон олиб, уларга дўқ қилди, шундан сўнг соқчи ва жиноятчи сакрашга журъат эта олишмади.

1914.

*Рус тилидан M.Солиҳ таржимаси
«Ёшилик» журнали, 1987 йил, 2-сон*